

Аллоҳга таваккул қил

11:02 / 19.11.2018 3911

Аллоҳ таоло Нисо сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿٨١﴾ وَيَكِلْهُمُ اللَّهُ عَلَىٰ تَوَكُّلِهِمْ

“Бас, улардан юз ўғир ва Аллоҳга таваккул қил. Вакилликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур” (Нисо сураси, 81-оят).

Ўша вақтда мунофиқларнинг ташқи ҳолларига қараб ҳукм қилинар, кўнгилларида нима борлиги ҳақида баҳс этилмас эди. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ишларига эътибор бермай, Аллоҳга таваккул қилиб иш юритаверишга буюрилмоқдалар. Аллоҳнинг Ўзи вакилликка кифоядир.

Аллоҳ таоло фақат Ўзига таваккул қилувчиларни севади.